

Мутолаа ва янги қарашлар

Жамият тараққийнинг бурилиш нуқталарида улуг мутафаккирлар узгарган давр моҳиятини чуқурроқ англашга, тарих фалсафасини билишга, мозийга назар ташлаш орқали унинг хато ва нуқсонларидан сабоқлар олишга ҳамда ижтимоий-маънавий тараққийет истиқболларини куришга интиладилар. Ана шундай улуг мутафаккирлардан бири Абдулла Қодирий эди. У Туркистонда адабий муҳитнинг етук намояндalarидан бири сифатида асримизнинг 20-йилларида улкамизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида руй берган инқилобий узгаришларнинг жонли гувоҳи бўлди. Мустабид тузумнинг эрк, озодлик, ҳурфикрликка қарши оммавий қатағонлари шарпасини сезиб турди ва унинг даҳшатлари соясида бадий адабиётнинг қулай имкониятларидан фойдаланиб, эрк, миллий мустақиллик гоҳларини илгари сурди. Унинг «Уткан кунлар» романи сирдан қараганда «узбеклар турмушидан тарихий румон», бугунги куннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин»лари ва «Баҳромгур»лари булиб туюлса ҳам, у моҳиятан ута муҳим ва нозик сиёсий мавзудаги адабий-фалсафий асардир.

Бадий адабиёт узбек халқи маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисми, унинг фикрлаш тарзи ва олам моҳиятини билишнинг узига хос шакли эканлигини яхши англаган Абдулла Қодирий бадий образ ва воситалар орқали Туркистон халқларининг хоризм мустамлакаси зулмига тушиб қолиш сабабларини фалсафий таҳлил қилишга, урта асрчиликнинг чиркин одатларини фош этишга, миллий истиқлол учун курашга кенг оммани маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлашга журъат этди.

Улуг санъаткор маънавий қашшоқлик, чиркин аъналарга содиқлик, шахс эркининг бугилиши, нодонлик ва илмсизлик бутун бир миллат тақдирида қандай фожиали оқибатларга олиб келишини ҳар томонлама асослаш мақсадида «мавузни мозийдан, яъни уткан кунлардан, тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари булган кейинги «хон замонлари»дан белгилади.

Муаллиф китобхонни жамият тақдири учун бевоСИТА жавобгар булгач, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитни белгилашга қодир булган энг юқори ва таъсирчан қатлам – мулкдор, сармоядор ва мансабдор шахсларнинг маънавий-руҳий кечинмалари, гоҳий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари оламига олиб киради. Асарнинг ҳар бир қаҳрамони зиммасига масъулиятли ижтимоий вазифа юклайди, уларнинг ҳар бирига қўйилган ном остида уз гоҳий ниятини мужассамлаштиради. Хусусан, Отабек шахс эркинлиги, ватан тараққийети йулида курашга бел боғлаган, уз тақдирини уз қули билан яратишга азму қарор қилган мард, фозил ва комил инсон сифатида тасвирланади. Отабекнинг онаси Узбек олимнинг орзулари йулида таслим булиши, унинг эркинлик, мутеликка маҳкум этилиши бутун бир эрқпарвар миллатнинг маънавий инқирозга юз угириши, жаҳолатнинг тантанаси ва юртнинг ганимлар оёғи остида топталиши сифатида курсатилади. Узбек олим – уртаасрчилик аъналарига жон-жаҳди билан ёпишган, «чала думбул», Юсуфбек ҳождек оқил ва донишманд эрни ҳам уз орзу-хаваслари йулида таслим этишга қодир, шахс эркига тиш-тирноғи билан қарши булган нодон ва илмсиз узбек аёлларининг тимсолидир. У Отабек каби оқил ва фозил, эрқпарвар ва тараққийпарвар фарзандларни яратувчи ва уларни уз қўллари билан бугиб улди-рувчилар тимсолидир!

Ёзувчи Мирзакарим қутидор, Офтоб олим, Кумушбиби, Ҳасанали, уста олим тимсолида эрқпарвар, тараққийпарвар, бироқ уртаасрчилик аъналарига олдидаги ожиз ва чорасиз кучларни тасвирлайди.

Юсуфбек ҳожи, Узбек олим, Отабек, Ҳасанали битта оила, битта ижтимоий муҳитнинг аъзолари эди. Бу хонадон бутун Туркистоннинг муъжаз тимсоли эди. Бу хонадондаги маънавий муҳит Узбек олим томонидан белгиланар ва бошқарилар эди. У шу хонадоннинг том маънодаги бекаси эди. Шунинг учун ҳам донишманд Юсуфбек ҳожи бирон бир масалада хотини (Узбек олим) билан маслаҳатлашишни лозим топмайди. «Юсуфбек ҳожининг қизиқ бир одати бор, – деб ёзади О. Қодирий, – хотин билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида булсин узоқ сузлашиб ултирмайдир...»

ЎЧМАС САБОҚ


«Уткан кунлар»нинг фалсафий талқини

Ҳожи бир неча вақт сузлагучини уз оғзига тикилтириб ултургандан сунг, агар маъқул тушса, «хуб» дейди, галга тушунмаган булса, «хуш» дейди, номаъқул булса, «дуруст эмас» дейди ва жуда ҳам узига номаъқул гап булса, бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, шундан бошқа суз айтмайди ва айта ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайди» (Уткан кунлар. 1995. 133-б).

Абдулла Қодирий Юсуфбек ҳожи тимсолида қўхна Шарқнинг мулоҳазакорлиги ва донишмандлигини, Узбек олим тимсолида эса шарқона қолюқлик аъналар ҳукмронлигини, унинг ожиз, мурт ва янчили жиҳатларини мужассамлаштирди. Узбек олим Отабек сингари оқил, фозил ва мард инсонни яратувчи табарруқ онагина эмас, балки айни вақтда уз фарзандига қора ва кир ўтмишининг барча иллатлари (қушхотинлик, мутелик, итоаткорлик)ни зур бериб тарғиб этувчи ута шафқатсиз ва қудратли куч ҳам эди. Унинг шафқатсиз ва қайсарлиги шу даражада эдики, Кумушбидек оқила, беғубор ва гузал малакнинг Зайнаб томонидан захарлаб улдирилишига асло парво қилмайди ва бунга аввало узи сабабчи булганлигидан афсусланмайди. Кумушбидининг қўлидан Фузулий девони тушмас, у чиндан ҳам маърифатли, оқила ва гузал эди. У Отабек хонадонини илм-маърифат билан ёритишга, уни згуликка даъват этишга қодир булган гузал келажакнинг бадий тимсолидир. Шунинг учун ҳам Кумушбидининг захарланиши улуг санъаткор назарида келажакнинг захарланиши эди.

Отабек уз даврининг пешқадам зивлиси, тараққийпарвар ва эрқпарвар фарзанди эди. Ёзувчи асарнинг бошидаёқ китобхонни Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли билан таништирар экан, унинг ана шу сифатларига алоҳида ургу берган ва унинг тилидан қолюқ ва қашшоқ Туркистондаги сиёсий бошқарувининг нақадар яроқсиз эканлигини курсатади. Зиё шохчининг хонадонда меҳмондорчиликда ултирган Отабек тижорат важадан Россия шаҳарларида булганлигини сузлайди: «Мен уриснинг идора ишларини куриб, уз идорамизнинг худди бир уйинчоқ булганлигини иқрор этишқа

мажбур булдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартиб-сизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима булишига ақлим етмай қолди. Шамай (Семипалатинск)да эканман, қанотим булса, ватанга учсам, туппа-туғри хон урдасига тушсам-да, уриснинг ҳукумат қонунларини бирмабир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиб ёзиб, уриснинг идора тартибини дастуриламал этишқа буюрса, мен ҳам бир ой ичида уз элимни урисники билан бир қаторда курсам... Аммо уз элимга қайтиб курдимки, Шамайда уйлаганларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш. Бу ерда сузимни эшиткучи биров ҳам булмади, булсалар ҳам «Сенинг орзунгни шу хонлар эшитадими, шу беқлар ижро қиладими?» деб мени маъюс қилдилар. Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам, сунгидан туғри сузни айтканларини билдим. Дарҳақиқат, мазористонда



булсин. Эслилик даъвосида юрган ота-онанг тилаги албатта шундан бошқа булмас. Шу билан бирга санинг сабаби вуждинг булган бир киши уз ҳаёти ичида боласи орқалиқ бир орзу-хавас кечирмакчи... Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми яна ихтиёр узингда.

... Юсуфбек ҳожи юқорида уткан гапларни куруқ ва асосиз сузламаган, балки шу турмушнинг руқн ва асосини бир даража айтиб уткан, Отабек эса буни шу муҳитнинг бир ўғли булиб эшиткан эди. Туғриси ҳам ул дадаси томонидан сузланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун лозим булган кучга молик эмас, бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди» (137-138-бетлар). «Отабек ота-она орзусига, уз таъбирича, жонсиз ҳайкал булиб ризолик берди» (139-б).

Ана шу розилик эркининг қўлиқ ва итоаткорлик олдида таслим булиши, миллий фожиа тимсоли булган муҳаббат фожиасининг бошланиши, уртааср ахлоқи ва аъналарига содиқ Туркистоннинг қолюқлик ҳамда жаҳолат ботқоғига ботиши ва ниҳоят, мустақиллигини қўлдан бой бериши эди.

Мутелик, нодонлик ҳукм сурган улқада Зайнаб сингари бахти қароларнинг узбекоиймлар яратган муҳит гирдобига тушиши, ақлдан озиши муқаррар эди.

Абдулла Қодирий «уткан кунлар»нинг ана шундай уқубатли, аянчли ва фожиали қисматидан шундай фалсафий хулосага келади: шахс эркини бугувчи, уртааср ахлоқи, аъналарини авайлаб-асровчи, қўлиқ ва мутеликни фазилат сановчи улқанинг уз мустақиллигини қўлдан бой бериши, ганимлар оёғи остида топталиши, хурланиши муқаррардир. Асар сунгида эрк ва озодликни ота-она орзуси йулида курбон қилган, қанотидан айрилган Отабекнинг рус босқинчиларига қарши курашда ҳалок булиши, яъни Туркистон мустақиллигининг барбод булиши ана шу хулосанинг тасдиғи эди.

Қодирқул РЎЗМАТЗОДА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

«САРВИНОЗ – МЕРОС» ШЎЪБА ХЎЖАЛИК ЖАМОАСИ



Биргалиқда ишлаш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўз ҳамкорларини излайди.

Бизда ишлаб чиқаришнинг ушбу линиялари мавжуд:
1. «МК — 1 — 06» русумли кичик қувватли тегирмон Россиянинг (Пенза шаҳрида ишлаб чиқилган). Ишлаш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- бугдойни тозалаш (элаш ва тошдан тозалаш);
- шнеқ транспортерига жойлаш ва намлаш;
- бугдойни магнит сепараторида тозалаш;
- тозаланган бугдойни транспортировкалаш;
- бугдойни майдалаш;
- урни қопларга солиш ва қадоқлаш;

Иш қуввати 1000 кг (соат).
2. Чойни филтр пакетчаларга солиш ва қадоқлаш цехи. Иккита машина чойни «ЕС-12» филтрларга жойлаштиради. Булар қуйидаги босқичлардан иборат:

- Автоматик тарзда филтр пакетчаларни ясади, ипча ёпиштирилади (уч тарафидан), ипчанинг охирига этикетка ёпиштирилади.. Чой солинади. Чой солинган филтр пакетчалар — 25 донадан кутичаларга солиниб, усти полипропилен плёнка билан ўралади. Бир машинанинг иш қуввати — минутига. 120 филтр пакет



ТУРЛИ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА ТАЙЁРМИЗ!

- в) Учинчи классли юмшоқ турдаги бугдойни ойига 100-120 тоннагача сотиб оламиз.
- г) ВОР, ВОРФ, FANING сортли чойларни филтр пакетчаларга жойлаш учун ойига 5 тоннагача сотиб оламиз.

Маълумот учун телефонимиз: 137-19-37

